

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Қ А Р О Р ИПАХТА ХОМАШЁСИНИ ЕТИШТИРИШ
ВА УНИНГ ЙИҒИМ-ТЕРИМ
ХАРАЖАТЛАРИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ
ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Пахта хомашёси етиштириш ва унинг йиғим-терим харажатларини молиялаштириш тизимини такомиллаштириш, пахта хомашёси етиштирувчиларнинг манфаатдорлигини ошириш ҳамда маҳсулотни чуқур қайта ишлаш учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида:

1. 2022 йил ҳосилидан бошлаб пахта хомашёсини етиштириш ва пахта йиғим-теримини қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма) маблағларидан молиялаштиришнинг куйидаги тартиби жорий этилсин:

а) пахта хомашёсини етиштириш ва пахта йиғим-теримини имтиёзли молиялаштириш пахта-тўқимачилик кластерлари ва Уруғчиликни ривожлантириш маркази таркибидаги элита уруғчилик хўжаликлари орқали амалга оширилади;

б) тижорат банклари томонидан Жамғарма ресурслари ҳисобидан куйидагилар учун имтиёзли кредитлар ажратилади:

пахта-тўқимачилик кластерларига пахта етиштириш учун — пахта хомашёси қийматининг 60 фоизигача миқдорда йиллик 10 фоиз (шундан, 2 фоизи банк маржаси) ставкада 24 ойга, шу жумладан, 18 ойлик имтиёзли давр ва 19-ойдан бошлаб сўнги 6 ой давомида тенг улушларда қайтариш шарт билан;

Уруғчиликни ривожлантириш маркази таркибидаги элита уруғчилик хўжаликлари пахта хомашёси етиштириш учун — пахта хомашёси қийматининг 60 фоизигача миқдорда йиллик 10 фоиз (шундан, 2 фоизи банк маржаси) ставкада 14 ойга;

пахта-тўқимачилик кластерлари ва Уруғчиликни ривожлантириш маркази таркибидаги элита уруғчилик хўжаликлари пахта йиғим-теримини молиялаштириш учун — пахта хомашёси қийматининг 20 фоизигача миқдорда йиллик 10 фоиз (шундан, 2 фоизи банк маржаси) ставкада 12 ойга, шу жумладан, 3 ойлик имтиёзли давр билан.

2. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра пахта-тўқимачилик кластерларига пахта хомашёси хариди бўйича якуний ҳисоб-китоб учун 12 ойгача муддатга миллий валютада ажратиладиган тижорат кредитлари бўйича фоиз ставкасининг Марказий банк асосий ставкасидан ошадиган, лекин 10 фоиз пунктдан кўп бўлмаган қисмини қоплаш учун Жамғарма ҳисобидан компенсация тўланади. Бунда, якуний ҳисоб-китоб учун ажратиладиган тижорат кредитлари бўйича компенсация харажатлари Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан молиялаштирилади.

Давоми 2-бетда

11 НОЯБРЬ — КАСАБА
УЮШМАЛАРИ КУНИМЕХНАТКАШЛАРИНИНГ
ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ МУҲОФАЗАСИ ВА
МЕХНАТ ҲУҚУҚЛАРИ ҲИМОЯСИ ЙЎЛИДА

Мамлакатимиздаги кенг қўламли ва тизимли ислохотлар, прагматик ички ва ташқи сиёсат натижасида кўплаб соҳаларда катта ўзгариш ва салмоқли натижаларга эришилди. Ушбу янгиланишлар жараёнида юртимиздаги энг йирик жамоат ташкилоти бўлган касаба уюшмалари ҳам фаол иштирок этиб келмоқда.

Президентимизнинг Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерациясининг 2020 йилда бўлиб ўтган 8-қурултойи иштирокчиларига йўллаган табригида

мустaqил давлатимиз тарихида илк бора 11 ноябрни Касаба уюшмалари куни этиб белгилаш таклифи билдирилган эди.

Давоми 4-бетда

МУНОСАБАТ

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН СТРАТЕГИЯСИ —
ТАРАҚҚИЁТИМИЗ ВА ИШОНЧЛИ КЕЛАЖАГИМИЗ АСОСИ

Кейинги кунларда барчамиз мамлакатимиз ҳаётидаги муҳим сиёсий-тарихий воқеаларга гувоҳ бўлдик. Очик, ошкора ва шаффоф, демократик тамойиллар асосида кўтаринки руҳда бўлиб ўтган Ўзбекистон Президенти сайловида халқимиз фаол фуқаролик позициясини билдириб, юртимиз тақдири учун масъулиятни ўз зиммасига олишга тайёр бўлган муносиб номзодни қўллаб-қувватлади.

Президентимиз янги Ўзбекистон бунёдкори сифатида аллақачон халқимиз меҳри ва ишончини қозонганини сайлов натижалари яққол кўрсатди. Бу ишончли ва муваффақиятли галаба юртимизда амалга

ошириладиган мислсиз ислохотларни янги босқичга олиб чиқиши шубҳасиз.

Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Президенти сифатида қасамд қабул қилиш тантанасини Олмалиқ кон-

металлургия комбинатининг 40 мингдан зиёд меҳнат жамоаси катта қизиқиш ва ҳаяжон билан кузатди.

Ушбу тантанали маросим пойтахтимиз марказида барпо этилган, барча замонавий шароитларга эга мухташам Сенат биносига ўтказилди. Мана шундай муҳим тарихий воқеанинг айнан шу бинода бўлиб ўтиши замирида ҳам, албатта, жуда катта рамзий маъно бор.

Давоми 2-бетда

“ЯНГИ
ЎЗБЕКИСТОН”
УЧУН МАХСУСЎзбекистон
БМТнинг Глазгодаги
иқлим саммитида
миллий баёнот
тақдим қилди

Кеча БМТнинг иқлим ўзгариши тўғрисидаги Ҳадли конвенциясига аъзо давлатларнинг Глазго шаҳрида бўлиб ўтаётган конференциясининг 26-сессиясидаги иштироки доирасида Ўзбекистон Бош вазири ўринбосари Азиз Абдуҳакимов мамлакатимиз номидан миллий баёнот тақдим қилди.



Мамлакатимизнинг Лондондаги элчихонаси маълумотига кўра, Ўзбекистон делегацияси раҳбари ўз нутқида иқлим ўзгариши замонамизнинг асосий муаммоларидан бири бўлиб, ҳаётимиз сифати бевоҳита таъсир кўрсатаётганини таъкидлади. Бугунги кунда иқлим ўзгаришининг оқибатлари глобал мазмун касб этиб, мисли кўрилмаган қўламини қамраб олди. Бу салбий ўзгаришлар Марказий Осиё минтақасида ҳам тўла намоён бўлмоқда.

Масалан, Орол денгизи фожиаси оқибатида Марказий Осиёда иқлим ўзгариши дунё миқёсидаги ўртача кўрсаткичдан икки баробар тез кечмоқда.

Салбий кўринишларга мисол сифатида чанг бўронлари кўпайгани ва улар қамраб олаётган ҳудудлар кенгайгани, тупроқ деградацияси ва сув ресурслари камайиши билан боғлиқ муаммолар авж олаётганини келтириш мумкин.

Бу жараёнларни чуқур англаган Ўзбекистон “яшил” кун тартиби масалаларини илгари суриш, экология ва биохилма-хилликни асраш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишга жиддий эътибор қаратмоқда.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясининг 76-сессиясида таъкидлаганидек, “бу нафақат бугунги, балки келажак авлодлар олдидаги эзгу инсоний бурчимиздир”.

Давоми 2-бетда

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 9 ноябрь куни юрак-қон томир
касалликларининг олдини олиш ва уларни даволаш тизимини такомиллаштириш
чора-тадбирлари юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Таҳлилларга кўра, 30-70 ёшдаги аҳоли ўртасида ўлим ҳолатларининг 53 фоизи юрак-қон томир касалликларига тўғри келмоқда. Сўнги беш йилда бундай касалликлар 20 фоизга, жумладан, ёшлар орасида ҳам кўпайган. Умуман, 4 миллионга яқин аҳоли орасида юрак-қон томир касалликлари аниқланган бўлиб, умумий аҳолининг 12 фоизини ташкил этади.



Юрак-қон томир касалликларининг олдини олиш, эрта аниқлаш ва самарали даволаш бўйича янги тизим жорий қилиниши белгиланди. Унга кўра, келгуси йилдан 40 ёшдан ошган барча аҳоли онлавий поликлиника ва тиббий бригадалар орқали йилига камида бир марта манзилли скринингдан ўтказилади, туман лабораториялари, коагулометр ва зарур реактивлар билан таъминланади, юрак-қон томир касаллиги аниқланган аҳолининг ягона электрон реестри юритилади, эҳтижманд аҳолига дорилар бепул тарқатилади.



Бу мақсадлар учун келгуси йилда ҳар бир туманга 350 миллион сўмдан, жами 70 миллиард сўм ажратилиши мўлжалланган. Умуман, бирламчи бўғинга дори ва тиббий буюмлар учун 580 миллиард сўм йўналтирилиши кўзда тутилмоқда. Бу жорий йилги харажатлардан 3 баробар кўпдир.



Президентимиз оилавий шифокорлар ва ҳамшираларни юрак касалликларини эрта аниқлаш ҳамда даволаш бўйича қўшимча ўқитиш муҳимлигини таъкидлади.



Келгуси йил 1 июлга қадар туман, вилоят ва республика даражасида даволанадиган касалликлар рўйхати тузилиб, шу асосда режалар даволаш йўлга қўйилиши белгиланди. Бунинг учун туман шифохоналари 4 турдаги кардиология ускуналари билан таъминланади. Натижада кўрсатиладиган хизматлар тури 5 тадан 15 тага ошади.



Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт марказининг вилоят филиалларида эса хизматлар 15 тадан 35 тагача етказилади. Хусусан, Хоразм вилояти филиали қўшимча жиҳозланиб, барча жарроҳлик амалиётларини ўтказиш имконияти яратилмоқда.



“Соғлом турмуш тарзи” платформаси ташкил этилган. Бугунги кунда ундан фойдаланувчилар 600 минг нафарга етди, уларга 18 миллиард сўм тўлаб берилди. Молия вазирлигига келгуси йилда бу тизимдан фойдаланувчилар қўламини кенгайтириш учун 60 миллиард сўм ажратиш бўйича кўрсатма берилди.



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ПАХТА ХОМАШЁСИНИ ЕТИШТИРИШ ВА УНИНГ ЙИҒИМ-ТЕРИМ ХАРАЖАТЛАРИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

3. Белгилансинки:
2023 йил ҳосилидан бошлаб пахта-тўқимачилик кластерлари ва Ўруччиликни ривожлантириш маркази таркибидagi элита уруччилик хўжаликларининг пахта ҳосилини етиштириш харажатларини молиялаштириш тегишли ҳосил йили учун олдинги йилнинг **1 октябридан бошланади**;

пахта хомашёсини етиштириш мақсадида пахта-тўқимачилик кластерларига ажратилган имтиёзли кредитлар пахта хомашёси етиштириш билан боғлиқ агротехник тадбирларни молиялаштириш учун фермер хўжаликларига йўналтирилади, бундан пахта-тўқимачилик кластерларига улар томонидан ижарага олинган қишлоқ хўжалиги ерларида пахта хомашёсини етиштириш учун ажратилган кредитлар мустасно;

пахта-тўқимачилик кластерлари томонидан фермер хўжаликларида пахта хомашёси етиштириш учун олдиндан тўлов пул шаклида амалга оширилади. Бунда, олдиндан тўловни натура шаклида амалга оширишга йўл қўйилмайди;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилар томонидан **минерал ўғит, ёқилғи-мойлаш маҳсулотлари, техника ва техника хизматлари**га (усимликларни кимёвий ҳимоя қилиш воситаларидан ташқари) **оид масалалар, шу жумладан, уларни импорт қилишни мустақил ҳал қилинади**, бунга ҳар қандай тарзда аралашish тақилланади.

4. Жамғарма томонидан ажратилган маблағлардан самарали фойдаланилиши ва кластерларнинг молиявий ҳолати устидан доимий мониторингни ташкил этиш мақсадида Молия вазирлигининг Давлат молиявий назорати бош бошқармаси ва унинг ҳудудий бошқармаларидаги мавжуд штар бирликларини қисқартириш ҳисобига **Жамғарма таркибида 5 штар бирлигидан иборат бўлим ташкил этилсин**.

Жамғармага ўзи томонидан ажратилган маблағлардан самарали фойдаланилишини **аудит ва бизнес консалтинг ташкилотларини шартнома асосида жалб қилган ҳолда аудитдан ўтказиш ҳуқуқи** берилсин.

5. Марказий банк, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Адлия вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **уч ой муддатда қуйидагиларни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар пакетини** Вазирлар Маҳкамасига киритсин:

товар омборлари қўйиладиган талаблар, товар омборлари фаолиятини ташкил этиш ва сақлаш учун берилган мол-мулк бўйича томонлар мажбуриятининг бажарилишини таъминлаш тартиби, шунингдек, **қатъий ҳисобда турувчи омбор гувоҳномасига қўйиладиган талаблар**;

омборга сақлаш учун берилган мол-мулк миқдори, тури, сақлаш муддати ва бошқа маълумотларни акс эттирувчи **Омбор гувоҳномаси ягона реестрини** яратиш ҳамда унда тадбиркорлик субъектлари, тижорат банклари ва давлат бошқаруви органлари ўртасида **электрон маълумот алмашинувини йўлга қўйиш**.

Тижорат банкларига мазкур банднинг биринчи хатбошида назарда тутилган қонунчилик ҳужжатлари қабул қилин-

гунга қадар, кредитлаш учун пахта-тўқимачилик кластерларининг **ип-калава захирасини, башарти ушбу захира қарз мажбуриятларидан ва гаровдан холи бўлган тақдирда, гаровга олиш тавсия этилсин**. Бунда, гаровга қўйилган ип-калава захиралари гаровга олувчи тижорат банкининг розилиги асосида тасарруф этилади.

6. Бош вазир ўринбосари Ж.А.Қўчқоров ва молия вазири Т.А.Ишметов қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш билан боғлиқ тадбирларни узлуксиз молиялаштириш учун 2022 йилда Жамғармага Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан **5 триллион сўм бегараз молиявий ёрдам** ҳамда Жамғарманинг асосланган ҳисоб-китобларида **қўра 7,5 триллион сўмгача бюджет ссудаси** ажратилишини таъминласин.

7. Пахта толасини қайта ишлаш қувватига эга бўлган пахта-тўқимачилик кластерларига **2021 йил ҳосили учун пахта хомашёсини етиштиришга** ажратилган имтиёзли кредитлар **2022 йил сентябрь ойидан бошлаб 6 ой давомида** тенг улушларда қайтарилиши белгилаб қўйилсин.

Бунда, Жамғарма ҳисобидан ушбу мақсадлар учун тижорат банкларига ажратилган ресурсларни қайтариш имтиёзли кредитларни қайтариш муддати-га мутаносиб равишда узайтирилади.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига илова-ва мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

9. Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги мазкур қарорнинг мазмун-моҳияти ҳамда мақсад ва вазифаларининг оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини таъминласин.

10. Молия вазирлиги Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан биргаликда уч

ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

11. Мазкур қарорнинг ижросини таъминлашда **масъул ва шахсий жавобгар** этиб қишлоқ хўжалиги вазири Ж.А.Ходжаев, молия вазири Т.А.Ишметов белгилансин.

Мазкур қарор ижросини **ҳар чорақда** муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ш.М.Ғаниев зиммасига юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентига **ҳар чорақ якуни** бўйича ахборот бериб борилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2021 йил 10 ноябрь

МУНОСАБАТ

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН СТРАТЕГИЯСИ — ТАРАҚҚИЁТИМИЗ ВА ИШОНЧЛИ КЕЛАЖАГИМИЗ АСОСИ

Абдулла ХУРСАНОВ,
“Олмалик КМК” АЖ
бошқаруви раиси

Бошланиши 1-бетда

Зеро, қонун ижодкорлиги демократик тамойилларга асосланган янги Ўзбекистоннинг келгуси истиқболи учун ҳақиқат устуворлик касб этади. Шу маънода, янги бунёд этилган Сенат биноси юртимиз фаровонлиги, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга хизмат қилувчи улғуф масканга айланиши шубҳасиз. Таъкидлаш жоизки, давлатимиз раҳбари Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясини амалга оширишда халқ вакиллари бўлган сенатор ва депутатларнинг муҳим ўрин тутилиши қайд этиб ўтди. Бу жараёнларни амалга оширишда сенаторлар ва депутатларимиз зиммасига янги Ўзбекистон тараққиётини тезлаштиришга хизмат қиладиган қонунчилик концепциясини ишлаб чиқиш ва ҳаётта таъбиқ этиш, қонун ижодкорлиги фаолиятини демократлаштириш ва улар ижросини таъминлашга қаратилган парламент назоратини кучайтириш масъулияти юклатилмоқда.

Албатта, Ўзбекистон ўз танлаган йўлини янги марра ва янги ютуқлар билан давом эттиради. Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, Конституция-миз ва қонунларимиз талабларини сўзсиз бажариш, “Инсон қадри учун”, деган устувор тамойилни тўла рўёбга чиқариш бундан бўён ҳам бош мақсад ва асосий мезон бўлиб қолади.

Ўзбекистоннинг 2017–2021 йилларда ривожланиши устувор йўналишларини белгиллаб берган “Харажатлар стратегияси” эндиликда “Тараққиёт стратегияси” сифатида давом этиб, **“Инсон — жамият — давлат”** тамойили асосида миллий ривожланишимизнинг янги босқичини бошлаб беради.

Президент томонидан **“Янги Ўзбекистон — халқчил ва инсонпарвар давлат”** ғояси асосида эркин фуқаролик жамиятини ривожлантириш орқали халқпарвар

давлат барпо этиш, инсон қадри-қиммати ва унинг қонуний манфаатларини таъминлаш энг биринчи навбатдаги устувор мақсад ва вазифа этиб белгилаб олинди.

Бу эзгу мақсад ва ғоялар шунчаки сўз эмас, жуда катта амалий ҳаракат ва иш-хотларга туртки бўладиган узоқни ўйлаб қилинаётган пухта режа ва вазифалардир. Уларни амалга ошириш эса барчамиздан бирдамликни, муҳтарам Президентимизга елкадош бўлишни талаб этади.

Янги Ўзбекистон стратегиясининг яна бир муҳим йўналишларидан бири — **“Адолат ва қонун устуворлиги — халқчил давлат қуриш”** тамойили остида сўнгги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ тизимидagi иш-хотларни жадаллик билан давом эттириш.

Қачонки судлар томонидан фуқаролар ва тадбиркорларнинг қонуний манфаатлари ҳимояси асосий ўрин тутса, ана шунда жамиятда ўсиш, иқтисодий ривожланиш бўлади. Президентимиз айнан ушбу масалани давлат сиёсати даражасига олиб чиқиб, мамлакатимиз ривож, аҳоли фаровонлигини таъминлашда асосий куч тадбиркорлар ва мулкдорлар экани ҳамда уларнинг ҳуқуқларини ҳар томонлама ҳимоя қилишга ҳар доим тайёригиларини таъкидлади.

Шунингдек, давлатимиз раҳбари яна бир муҳим масалага алоҳида эътибор қаратади: **сўнгги беш йилда коррупцияга қарши курашиш умумҳаракат даражасига кўтарилди**. Шу мақсадда Сенат раиси раҳбарлигида Коррупцияга қарши курашиш Миллий кенгаши ташкил этилди. Бундан ташқари, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ҳам фаол иш олиб бормоқда. Бундан бўён ҳам тараққиёт кундан кунга давом этаётган барҳам беришга давлат ва жамиятнинг барча куч ва воситалари сафарбар этилади.

Президентимиз таъкидлаганидек, коррупция баласига қарши ғафат давлат-ҳуқуқий чоралар билангина курашиб бўлмайди. Бунинг учун бутун жамиятимизда, аввало, ёшлар онигда бу иллатга қарши мурасасиз муносабатни шакллантириш, барча соғлом кучларни бирлаштириш халқилувчи аҳамиятга эга. Бунинг учун эса



жамиятда фаол фуқаролик позициясини шакллантириш зарурдир.

Шунингдек, давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган Янги Ўзбекистон стратегияси ўз ичига миллий иқтисодиётимизни ривожлантириш, адолатли ижтимоий сиёсат юритиш ва сифатли таълим-тарбия масаласи, маънавий ва маърифий соҳаларда иш-хотларни амалга ошириш, иқлим ўзгаришлари, экологик муаммолар, радикализм, экстремизм ва терроризм, одам савдоси, наркотрафик каби таҳдидларга қарши курашиш ҳамда миллий армиямиз қудратини янада ошириш каби устувор йўналишларни ўз ичига олган.

“Этиборлиси, ҳар бир йўналиш давлат ва жамият ҳаёти учун ўта муҳим аҳамиятга эга. Ушбу стратегия кўп миллатли Ўзбекистон халқининг қонуний манфаатларини ҳимоя қилган ҳолда аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш, жамиятда ва дунёда юз бераётган глобал ўзгаришлар даврида мамлакатдаги иқтисодий-ижтимоий барқарорликни наинки сақлаб қолиш, миллий иқтисодиётини юксалтириш, илм-фан, таълимни ривожлантириш, хавфсиз ва ишончли ҳаётни таъминлаш концепциясидир.

Бир сўз билан айтганда, Президентимизнинг сайловонди учрашувларида сайловчилар билдирган тақлиф ва мулоҳазалар, янги ташаббус ва ғоялар асосида халқимиз муҳокамасидан ўтган Янги Ўзбекистон стратегияси мамлакатимиз тараққиёти ва истиқболли келажагига хизмат қилиши шубҳасиз.

яқинда бўлиб ўтган йиғилишида биохилма-хиллик бўйича мувозанатли ва самарали глобал дастурни қабул қилиш бўйича эришилган келишувларни олишлайди.

Халқаро экологик сиёсатнинг устувор йўналишларини муҳокама қилиш учун Ўзбекистонда 2023 йили БМТнинг атроф-муҳит бўйича юқори даражадаги олтинчи ассамблеясини ўтказиш тақлиф этилмоқда.

Шунингдек, Ўзбекистон Глазо саммитида ўрмонлар ва ердан фойдаланиш тўғрисида қабул қилинган қўшма декларацияни қўллаб-қувватлашнинг билдирди.

Баёнот сўнгига Ўзбекистоннинг “яшил” кун тартибининг долзарб масалаларини илгари суриш ва иқлим ўзгариши жараёналарини тўхтатиш, халқаро ҳамжамият билан биргаликда сайёраимиз келажаги учун барча зарур чораларни амалга ошириш бўйича кўп томонлама саъй-ҳаракатларда фаол иштирок этишга тайёригиларини таъкидланди.

“Дунё” АА

Глазо

ИНСОН ҚАДРИ УЧУН

ПИРОВАРДА МАҚСАД — АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ВА ШИФО ИСТАГАН КЎНГИЛАРГА ЙЎЛ ТОПИШ

Наврўз РИЗАЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси Фуқароларнинг соғлиғини сақлаш
масалалари қўмитаси аъзоси

Бошланиши 1-бетда

Тизимни тубдан яхшилаш бўйича Президентимизнинг қатор фармон ва қарорлари қабул қилиниб, халқимизнинг соғлом ва узоқ умр кечиришини таъминлашга алоҳида эътибор қаратиляпти. **Мақсад битта — шифо истаган кўнгилашга йўл топиш, уларга сифатли тиббий хизматни ташкиллаштириш бериш, тизимда бюрократик тўсиқларни бартараф этиш**.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан амалга оширилаётган ушбу хайрли ишлар миллатни соғломлаштириш ғоясининг асосини ташкил қилади. Зеро, бугунги кунда ҳар қайси халқ, давлат ва жамиятнинг ривожланиш омили инсон, унинг соғлиғи ва турмуш даражасига бераётган эътибори, шу йўлдаги саъй-ҳаракати билан ўлчанайди.

Шу жиҳатдан, **Янги Ўзбекистон стратегиясида бош мезон этиб белгиланган “Инсон қадри учун” деган тамойил ҳар бир фуқаро учун** муносиб турмуш шароити ва замонавий инфратузилма ташкил этишни назарда тутди. Шулардан бири малакали тиббий хизматдан баҳраманд бўлишдир.

Юрак-қон томир касалликларининг олдини олиш ва уларни даволаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари юзасидан кўни кеча ўтказилган видеоселектор йиғилишида ушбу масалага алоҳида эътибор қаратилар экан, бу борада мутасаддилар олдида аниқ вазифалар қўйилди.

Аслида давлатимиз раҳбари бу соҳадаги режалар ҳақида сайловонди учрашувларида айтган эди. Бугун эса, уларнинг ижросига қиришилди. Мазкур йиғилиш тиббиётнинг бирламчи бўғинини ривожлантириш, энг кўп тарқалган ва ўлимга сабаб бўлаётган касалликларни эрта аниқлаш, мақсадли скрининг тадбирлари ўтказиш масалаларига қаратилгани беҳиз эмас. Негаки, халқимиз соғлиғини кучайтириш бўғинидаги аҳолининг 3 баробар кўп экани янги Ўзбекистон том маънода, инсон қадри улғуф мамлакатга айланиб бораётганидан далолат беради.

Юрак — тирикчилигимиз, ҳаётимиз асоси. Йиғилишда келаси йил 1 июлга қадар туман, вилоят ва республика даражасида даво-ланадиган касалликлар рўйхати тузилиб, шу асосда режалар даволаш йўлга қўйилиши, бунинг учун туман шифохоналари 4 турдаги кардиология усулхоналари билан таъминланиши айтилдики, бу эндиликда қўрсатиладиган хизматлар тури 5 тадан 15 тага ошишига ишорадир.

Аҳамиятлиси, Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт марказининг вилоят филиалларида хизматлар 15 тадан 35 тагача етказилиб, Хоразм вилояти филиали қўшимча



Йиғилишда соҳадаги вазифалар кардиология йўналиши мисолида кўриб чиқилар экан, юрак-қон томир касалликларининг олдини олиш, эрта аниқлаш ва самарали даволаш бўйича янги тизим жорий қилиниши белгиланди. Бу борада келаси йилдан 40 ёшдан ошган барча аҳоли оилавий поликлиника ва тиббий бригадалар орқали йилга камида бир марта манзилли скринингдан ўтказилиши аниқ мўддао бўлди.

Туман лабораториялари коагулометр ва зарур реактивлар билан таъминланди, юрак-қон томир касаллиги аниқланган аҳолининг ягона электрон реестри юритилиши, эҳтиёжманд аҳолига дорилар бепул тарқатилиши эса, Президентимиз раҳбарлигида амалга оширилган ва оширилаётган иш-хотларнинг самарасини яққол исбот этади.

Бу мақсадлар учун келгуси йилда ҳар бир туманга 350 миллион сўмдан, жами 70 миллиард сўм ажратилиши илгари тарихда бўлмаган воқелиқдир. Хусусан, бирламчи бўғинга дори ва тиббий буюмлар учун 580 миллиард сўм йўналтирилиши кўзда тутилганга неча ҳарса билан ўлчаб бўлмайди. Шу босис, мамлакатимизда тиббиётни халқимизнинг рози қиладиган тизимга айлантириш бўйича катта марралар белгилаб олинган. Айниқса, **бирламчи бўғинга ажратиладиган маблағларни 2 баробарга ошириб, аҳоли ўртасида кенг тарқалган касалликларни қайтариш бўйича алоҳида дастур қабул қилиниши** давлатимиз инсонпарварлик сиёсатининг яққол ифодаси бўлди.

Маълумотларга кўра, 30-70 ёшдаги аҳоли ўртасида ўлим ҳолатларининг 53 фоизи юрак-қон томир касалликларига тўғри келмоқда. Сўнгги беш йилда бундай касалликлар 20 фоизга, жумладан, ёшлар орасида ҳам кўпайган. 4 миллионга яқин кишида юрак-қон томир касалликлари аниқланган бўлиб, улар умумий аҳолининг 12 фоизини ташкил этади.

жиҳозланган ҳолда, барча жароҳлиқ амалиётларини ўтказиш имконияти яратилаётир. Ушбу тажрибанинг босқимча-босқич бошқа вилоятлар ва Қорақалпоғистон Республикасидаги шифохоналарда йўлга қўйилиши, ихтисослаштирилган кардиология хизматларининг ҳудудларга таъминлиши шифо истаб юрган инсонларнинг айна дилидаги гап бўлди.

Ҳозирги кунда аҳоли орасида юрак-қон томир касалликлари билан касалланиш йилдан-йилга ортиб бормоқда. Назаримизда, бунинг асосий сабабларидан бири — нотўғри турмуш тарзидир. Чунки тўғри овқатланиб, кўпроқ пиёда юрадиган одамларга бундай хасталик кам учрайди. Йиғилишда давлатимиз раҳбари бунинг ечимини ҳам айтиб ўтди. Зеро, аҳоли орасида кўпроқ пиёда юриш фойдасини янада кенг тарғиб этиш, тўғри овқатланиш ва жисмоний машғулотларни одамларнинг одатий ҳаёт тарзига айлантириш ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамият касб этади.

“Ҳаммамизга яхши маълум, шу мақсадда “Соғлом турмуш тарзи” платформаси ташкил этилган эди. Бугунги кунда ундан фойдаланувчилар 600 минг нафарга етди ва уларга 18 миллиард сўм тўлаб берилди. Келаси йилда ушбу тизимдан фойдаланувчилар кўламини кенгайтириш учун 60 миллиард сўм ажратилишини энг тўғри ва оқилона қарор, деб биламиз.

Давлат ва жамият тараққиёти, халқ фаровонлигини таъминлашда соғлиқни сақлаш соҳаси халқ қилувчи ўрин тутди. Бугунги кунда юртимизда тиббиёт соҳаси, унинг фаолият мазмуни тубдан ўзгармоқда. Энг аввало, бирламчи тиббий-санитария ёрдами кўрсатиш сифати ва самарадорлиги, соғлом турмуш тарзи янги босқичга кўтарилди. Кўп тармоқли поликлиника ва шифохоналарнинг моддий-техник базаси, қадрлар салохияти мустаҳкамланади.

Бир сўз билан айтганда, бугун Президентимиз раҳбарлигида соғлиқни сақлаш соҳасида олиб борилган изчил иш-хотлар натижасини одамлар давлатнинг амалга ошираётган сиёсати самимийлигини ҳаётда, турмушида ҳис этиб, ҳар қадамда эътироф қилмоқда. Белгилаб берилган аниқ вазифалар ижросини ўз вақтида таъминлаш эса, биз — депутатлардан яқдиллик ва янада фаоллик талаб этади. Зотан, вазифалар ижроси ўз вақтида таъминланса, одамлар рози бўлади, миллат генофонди мустаҳкамланади.



ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИДАН — ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ САРИ

1

ЭРКИН ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ОРҚАЛИ ХАЛҚЛАРВАР ДАВЛАТ БАРПО ЭТИШ, ИНСОН ҚАДР-ҚИММАТИ ВА УНИНГ ҚОНУНИЙ МАНФААТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ

“Янги Ўзбекистон — халқчил ва инсонпарвар давлат” ғоясини амалга ошириш

Маҳаллий бошқарув органларининг жойларда муаммоларни ҳал этишдаги роли ва масъулиятини янада кучайтириш;

давлат функцияларининг катта қисмини марказдан ҳудудларга ўтказиш;
маҳалла тизимини ҳокимликлар билан боғлаш;
ҳокимликлар ва маҳаллаларнинг молиявий имкониятини кенгайтириш;
марказий идораларни трансформация қилиш орқали фуқароларга хизмат қиладиган ихчам ва самарали бошқарув тизимини яратиш;
қабул қилинган дастурлар ижроси юзасидан раҳбарларнинг ҳисобот бериш тизимини йўлга қўйиш;
Халқ қабулхоналари учун қўшимча ҳуқуқий асослар яратиш;
кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш жараёнига янгича, замонавий ёндашувлар жорий этиш.

“Раҳбарлар фақат давлатга эмас, аввало, инсон ва оилага, уларнинг қонуний манфаатларини таъминлашга хизмат қилиши керак” тамойилини татбиқ этиш

Олий Мажлис фаолиятини янада такомиллаштириш; парламент томонидан мурожаатлар билан ишлаш ҳолатининг назоратга олиниши;
Халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари ҳамда ҳокимларнинг ваколатларини аниқ белгилашга оид қонуний асосларни яратиш;
Фуқаролик жамияти институтларининг эркин фаолият юритиши, давлат ва жамият бошқарувида фаол иштирок этиши учун зарур шароитлар яратиш;
жамоатчилик назорати, давлат бошқаруви ва ижтимоий лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этишда фуқаролик жамияти институтларининг иштирокини кучайтириш;
сўз ва матбуот эркинлиги, фуқароларнинг ахборот олиш ва уни тарқатиш, ўз фикр ва қарашларини эркин билдириш ҳуқуқини таъминлаш;
мансабдор шахслар томонидан оммавий ахборот воситалари фаолиятига тўққинлик қилиш ҳаракатлари содир этилгани учун жавобгарлиқни кучайтириш.

2

АДОЛАТ ВА ҚОНУН УСТУВОРЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАШ, ИНСОН ҚАДР-ҚИММАТИНИ ТАЪМИНЛАШ

Одил судлов тизимининг чинакам мустақиллиги ва очиқлигини таъминлаш, ҳуқуқ-тартибот органлари фаолиятини такомиллаштириш, адвокатура институтини кучайтириш, ушбу соҳалар фаолиятини рақамлаштириш

Маъмурий судлар фаолиятини халқаро андозалар асосида такомиллаштириш;
Суд хусусий мулк ҳимоясида туриб, фуқаро ва тадбиркорларнинг ҳуқуқларини тиклаш орқали ижро идораларини қонун доирасида ишлашга мажбур қиладиган тизимни яратиш;
тадбиркор ва мулкдорлар ҳуқуқларини ҳар томонлама ҳимоя қилиш;
хусусий мулк устуворлигини қонунларда асосий тамойил сифатида белгилаш.

Коррупцияга қарши курашни давом эттириш, бу борада айбдорларни ҳуқуқий жавобгарликка тортиш билан чекланиб қолмасдан, тизимли превентив чораларни кўриш

Коррупциянинг оқибатлари ва сабабларини олдиндан бартараф этиш бўйича таъсирчан чораларни амалга ошириш;
аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, қабул қилинаётган қонун ва қарорларнинг мазмун-моҳиятини кенг оммага етказиш;
фуқаролар ўртасида қонунга ҳурмат ва амал қилиш ҳиссини шакллантириш.

Мамлакатда конституциявий ислохотларни амалга ошириш

Сенатор ва депутатлар, кенг жамоатчилик ва халқ вакилларининг фикрлари, жаҳон конституциявий тажрибасини ўрганиб, пухта ўйлаган ҳолда, бугунги ва келгуси тарақиётни белгилаб берадиган Конституцияни такомиллаштириш масаласини кўриб чиқиш.

3

МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Мамлакатдаги мавжуд ресурс ва имкониятларни сафарбар этган ҳолда, аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи ички маҳсулот ҳажминини янада ошириш

Хусусий секторни рағбатлантириш ва унинг улушини ошириш;
тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш;
“хомашёдан — тайёр маҳсулотгача” тамойили асосида драйвер соҳаларда клас-тер тизимини ривожлантириш;
макроиқтисодий барқарорлиқни таъминлаш ва инфляция даражасини белгиланган 5 фоизгача пасайтириш;
бюджет ва ташқи қарз барқарорлигини таъминлаш, маҳаллий бюджетларнинг имкониятларини кенгайтириш.

Тадбиркорлик фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш, солиқ юкини камайтириш, бизнес муҳитини ва зарур инфратузилма яратиш бўйича ислохотларни давом эттириш

Давлат корхоналарини трансформация қилиш ва хусусийлаштириш жараёнларини тезлаштириш;
эркин рақобатга асосланган бозорни яратиш ҳисобидан аҳоли ва тадбиркорларни энергия ресурслари билан кафолатли таъминлаш.

Аҳоли бандлигини таъминлаш, ёшлар ва ишсиз фуқароларни давлат ҳисобидан малакали касб-хунарга ўқитиш, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, эҳтиёжманд аҳолини манзилли қўллаб-қувватлаш орқали 2026 йилгача камбағалликни икки баробар қисқартириш

Ижтимоий ҳимоя соҳасида бошқарув тизимини ислоҳ қилиш, ижтимоий хизматларнинг сифатини яхшилаш ва қўламини кенгайтириш.

4

АДОЛАТЛИ ИЖТИМОЙ СИЁСАТ ЮРИТИШ ВА ИНСОН КАПИТАЛИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

“Янги Ўзбекистон — халқчил ва инсонпарвар давлат” ғоясини амалга ошириш

Ўқитувчилар меҳнатини муносиб рағбатлантириш;
2025 йилга бориб, олий тоифали ўқитувчиларнинг ойлик маошини эквивалент ҳисобида 1 минг долларга етказиш;

боғча тизимини мактаб таълими билан уйғунлаштириш орқали болаларни мактабга тайёрлаш сифатини янада яхшилаш;
ҳудудларда мактабгача таълим муассасаларини барпо этиш;
боғчаларни ҳар йили 2 миллион нусхадаги замонавий ўқув адабиётлари билан таъминлаб бориш;
боғча ходимларининг профессионал тайёргарлиги ва маҳоратини ошириб бориш;
янги мактаблар қуриш, мавжудларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, соҳанинг барча босқичлари ўртасида узвийликни таъминлашга қаратилган Миллий таълим дастурини ишлаб чиқиш;
мактабгача таълимдаги камров даражасини ҳозирги 62 фоиздан камида 80 фоизга, олий таълим тизимини 50 фоизга етказиш, мактабларда таълим-тарбия сифати ва даражасини ошириш;
талабаларни турар жой билан таъминлаш ишларини жадаллик билан давом эттириш.

Аҳоли саломатлигини таъминлаш

Соғлиқни сақлашга йўналтирилаётган маблағларни 2 баробар ошириш, жумладан, келгуси беш йилда олий тоифали шифокорлар маошини эквивалент ҳисобида 1 минг долларга етказиш;
тиббиёт соҳасини чинакамига юқори самара билан ишлайдиган тизимга айлантириш;
тиббий профилактика, оилавий шифокорлар ролини оширишга алоҳида эътибор қаратиш, жумладан, аҳоли орасида энг кўп тарқалган ва эрта ўлимнинг асосий сабаби бўлган касалликларни барвақт аниқлаш, мақсадли скрининг тадбирларини амалга ошириш, профилактик махсус препаратлар билан бепул таъминлаш ҳамда соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этиш;
соғлиқни сақлаш соҳасида ахборот технологияларини жорий этиш ҳисобидан коррупция ҳолатларининг олдини олиш;
вилоят, туман ва шаҳарларда ихтисослашган тиббий хизматлар қўламини кенгайтириш;
давлат тиббий сугурта тизимини ишга тушириб, маблағларни аниқ беморга боғлаган ҳолда ажратиш.

Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш

Барча шаҳар ва туманларда оммавий спортни ривожлантиришга, жумладан, спорт майдончалари, пистедалар ва велосипедчилар учун йўлаклар, эконопарклар, таълим даргоҳларидаги спорт залларидан иборат спорт инфратузилмасини яратишга алоҳида эътибор қаратиш;
Олимпия ва Паралимпия ҳаракатини ривожлантириш учун спорт мактабларини кўпайтириш ва янги спорт объектиларини барпо этиш;
Олимпия уйинларига киритилган ҳар бир спорт турини ривожлантириш ва оммалаштириш бўйича комплекс дастурларни амалга ошириш.

Кекса авлод вакилларига эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш, уларни ҳар томонлама эъзозлаш

Кекса авлод вакиллари, меҳнат фахрийларининг ҳаётини мазмунли ва файзли қилиш, улар учун муносиб турмуш шароитини яратиш, соғлиқни мустаҳкамлаш бўйича бошланган ишларни янада кучайтириш;

“Уч авлод учрашуви”, “Кексалар ҳафталиги” сингари маънавий-маърифий тадбирларни кўпайтириш, ҳар бир туманда фахрийларни қўллаб-қувватлаш ишларини кенгайтириш учун алоҳида дастурлар ишлаб чиқиш ва уларни амалга ошириш.

Ногиронлиги бўлган фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш

Жаҳон тажрибасидан келиб чиқиб, ногиронлиги бўлган фуқароларни кафолатли иш ўрни ва даромад манбаи билан таъминлаш учун уларга аниқ қвоталар белгилаш бўйича амалдаги қонунчиликка тегишли ўзгартiriшлар киритиш.

Ота-онасидан ажраган, меҳрга муҳтож болаларни қўллаб-қувватлаш, уларга таълим-тарбия бериш, касб-хунарга ўқитиш ва турар жой билан таъминлаш, жамиятда муносиб ўрин эгаллашга жиддий эътибор қаратиш

“Меҳрибонлик уйлари” ва махсус мактаб-интернатларда яшаётган болаларни оилага яқин муҳитда, билимли ва касб-хунарни этиб тарбиялаш учун “Меҳр дафтари” доирасида бошланган ишларни изчил давом эттириш.

Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш

Аёллар бандлигини таъминлаш, давлат ва жамият бошқарувидаги ўрни ва нуфузини янада ошириш, уларнинг ўз салоҳиятини намоён этишлари учун шароитларни кенгайтириш, гендер тенглик, оила, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш борасида ишларни янги босқичга кўтариш мақсадида Миллий дастурни қабул қилиш.

Навқирон ёшларни, айниқса, қизларни соғлом ва етук этиб тарбиялаш, уларнинг қобилият ва истеъдодини рўйбга чиқариш, Ватанга муҳаббат ва садоқат, миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида камол топтириш

Хорижий давлатларда билим олаётган, меҳнат қилиб даромад топаётган мамлакат фуқароларини, уларнинг Ўзбекистонда яшаётган оила аъзоларини қўллаб-қувватлаш, ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича қўшимча чора-тадбирларни қабул қилиш;

“Ватандошлар” жамоат фонди орқали чет элларда яшаётган мамлакат фуқаролари ва уларнинг оилалари билан алоқаларни кенгайтириш, уларнинг билим ва салоҳиятини мамлакат тарақиётига самарали йўналтириш бўйича ишларни давом эттириш.

5

МАЪНАВИЙ ВА МАЪРИФИЙ СОҲАЛАРДА ИСЛОХОТЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ

“Янги Ўзбекистон — маърифатли жамият” концепциясини амалга ошириш;
миллий қадриятларни янада ривожлантириш, ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги ўрни ва нуфузини ошириш, маданият ва санъатни юксалтириш;
муқаддас ислом динининг инсонпарварлик ғояларини тарғиб этиш, “жаҳолатга қарши — маърифат” тамойили асосида уни-ўсиб келаётган ёшларни соғлом эътиқод руҳида тарбиялаш;
турли миллат ва элатлар, диний конфессиялар вакиллари ўртасидаги тинчлик ва барқарорлик, ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлаш;
давлат сиёсатида барча миллат ва элат вакилларининг миллий ўзлигини, она тили ва маданиятини, дини, урф-одат ва анъаналарини сақлаб қолиш ва ривожлантиришга устувор аҳамият бериш.

6

ГЛОБАЛ МУАММОЛАРНИНГ МИЛЛИЙ ВА МИНТАҚАВИЙ ДАРАЖАДАГИ ЕЧИМЛАРИНИ ТОПИШ

Иқлим ўзгаришлари, экологик муаммолар, радикализм, экстремизм ва терроризм, одам савдоси, наркотрафик каби таҳдидларни ҳал этишда куч ва имкониятларни бирлаштириш, бу борадаги барча саъй-ҳаракатларни уйғунлаштириш;
юрт келажагининг қиёфасини белгилайдиган глобал муаммоларнинг миллий ва минтақавий даражадаги ечимларини топиш;
Оролбўйини экологик инновациялар ва технологиялар ҳудуди сифатида эълон қилиш бўйича Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг

резолүциясини ҳаётга татбиқ этишга доир тизимли ва комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш;
Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг янги экологик сиёсати асосларини ташкил этишга қаратилган Бутунжаҳон экология хартиясини ишлаб чиқишни жадаллаштириш;
“Марказий ва Жанубий Осиё: минтақавий ўзаро боғлиқлик. Таҳдидлар ва имкониятлар” мавзусидаги конференцияда қабул қилинган қарор ва ҳужжатларнинг изчил бажарилиши учун халқаро ҳамкорлар билан зарур чора-тадбирларни амалга ошириш

7

ТИНЧЛИК ВА ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ, ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Қуролли Кучларимиз қудратини янада ошириш

Ҳарбийларнинг жанговар шайлиги, жисмоний ва маънавий тайёргарлигини кучайтириш;
ҳарбий хизматчилар ва соҳа фахрийларини, уларнинг оила аъзоларини қўллаб-қувватлаш, моддий таъминотини янада яхшилаш, уй-жой билан таъминлаш, фарзандларининг замонавий билим ва касб-хунарларни эгаллаши учун барча зарур чора-тадбирларни кўриш.

Прагматик ва чуқур ўйланган ташқи сиёсат ва иқтисодий дипломатия борасидаги муносабатларни янада ривожлантириш

Марказий Осиё минтақасидаги барча мамлакатлар билан яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларини тобора кучайтириш;

минтақанинг ажралмас қисми, яқин қўшни бўлган Афғонистонда тинч ва осойишта ҳаётни тиклаш, бу мамлакатда иқтисодий ва гуманитар инкирозга йўл қўймаслик учун афғон халқига ёрдам кўрсатиш;
Афғонистон билан биргаликда йирик транспорт-коммуникация лойиҳаларини амалга ошириш;
Россия, Хитой, Америка Қўшма Штатлари, Туркия, Ҳиндистон, Покистон, Германия, Франция, Жанубий Корея, Япония, Бирлашган Араб Амириклари ва дунёнинг барча минтақаларидаги шериклар билан ўзаро манфаатли ва кўпқиррали алоқаларни кенгайтириш;
Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва унинг ихтисослашган тузилмалари, Парламентлараро иттифок, халқаро молиявий институтлар ва минтақавий ташкилотлар, жумладан, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Ислом ҳамкорлик ташкилоти, Туркий Кенгаш, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти билан кўп томонлама муносабатларни янги, амалий маъно-мазмун билан бойитиш



ТУРКИЙ КЕНГАШ



ЎЗАРО ҲАМКОРЛИК ВА ҚАРДОШЛИК РИШТАЛАРИ МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Қодир ЖЎРАЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси
депутати, сиёсий фанлар доктори

Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгаши (Туркий Кенгаш) давлатлараро ташкилот бўлиб, асосий мақсади туркийзабон мамлакатлар ўртасида ҳар томонлама ҳамкорликни ривожлантириш, хусусан, савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникациявий, энергетика, туризм, маданий-гуманитар соҳаларда алоқаларни кенгайтириш, кенг миқолада тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш борасидаги саъй-ҳаракатларни мувофиқлаштиришдан иборат.



Туркий Кенгаш 2009 йил 3 октябрда Озарбайжоннинг Нахичеван шаҳрида ташкил этилган бўлиб, “Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгаши” тузиш тўғрисидаги Нахичеван битими” қабул қилинди. Нахичеван битимининг муқаддимасида аъзо давлатларнинг БМТ Уставига белгиланган мақсад ва тамойилларга риоя қилиши мустаҳкамлаб қўйилган.

Мазкур ҳужжатда Туркий Кенгашнинг асосий мақсади туркий тилли давлатлар ўртасида ҳар томонлама ҳамкорликни янада чуқурлаштириш, минтақада ва дунёда тинчлик, барқарорликка ҳисса қўшиш экани, аъзо давлатларнинг демократик қадриятлар, инсон ҳуқуқлари, қонун устуворлиги ва самарали бошқарув тамойилларига содиқлиги алоҳида қайд этилган.

Нахичеван битимида ташкилотнинг асосий вазифалари сифатида Томонлар ўртасида ўзаро ишонч ва дўстликни мустаҳкамлаш, ташқи сиёсий масалалар бўйича умумий позицияни ишлаб чиқиш, халқаро терроризм, сепаратизм, экстремизм ва транснационал жиноятлар билан курашиш бўйича қўллаб-қувватлаш мувофиқлаштириш белгиланган. Шунингдек, умумий манфаатдор бўлган барча соҳаларда самарали минтақавий ва икки томонлама ҳамкорликни ривожлантириш, савдо ва сармоялар учун қўлай шароит яратиш, ҳар томонлама ва мувозанатли иқтисодий ўсишни, ижтимоий ва маданий ривожланишни таъминлаш қўзда тутилган. Бундан ташқари, фан, техника, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, спорт ва туризм соҳаларида ўзаро алоқаларни кенгайтириш, ОАВ ва бошқа алоқа воситаларининг ўзаро ҳамкорлигини рағбатлантириш, тегишли ҳуқуқий маълумотлар алмашинувиға кўмаклашиш ва ҳуқуқий ҳамкорликни ривожлантириш кабилар белгиланган бўлиб қўйилган.

Бугунги кунда Кенгашга Ўзбекистон, Туркия, Озарбайжон, Қозғистон ва Қирғизистон аъзо. Мамлакатимиз ташкилотга 2019 йилда қўшилди. Венгрия Туркий кенгашда кузатувчи мақомига эга. Туркманистон ҳам сўнгги саммитларда меҳмон давлат сифатида иштирок этиб келмоқда.

Туркий Кенгаш тарихида илк марта тузилган туркий тилли давлатларнинг ихтиёрий бирлашмаси ҳисобланади. Ташкилотга аъзо давлатлар аҳолиси 150 миллионга яқин, ҳудуди 4,3 миллион квадрат километри, умумий номинал ялпи ички маҳсулоти 1 триллион АҚШ долларини, киши бошига тақсимлаганда эса салкам 9 минг долларни ташкил этади. Ўзбекистон 2019 йилда аъзоликка расман қабул қилинди. Ўшбу аъзолик мамлакатимизнинг қондош давлатлар билан ўзаро кўп томонлама алоқаларни ривожлантиришда жуда катта имкониятлар эшигини очиб берди. Ўзбекистоннинг Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгашига қўшилиши бошқа аъзо мамлакатлар томонидан мамнуният билан қутиб олинди. Расмий шахслар, экспертлар халқимизнинг туркийлар тарихидаги ўрни, бугунги салоҳияти ва аҳамиятини эътироф этди.

Ўзбекистон Республикасининг Туркий Кенгашга аъзо (кузатувчи) давлатлар билан ўзаро товар айирбошлаш ҳажми (млн. АҚШ доллар хисобида)

Мамлакат	2016 й.	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2021 й. 9 ой	2016 й.га нисбатан ўшш динамикаси (баробар)
Озарбайжон	21,5	32,5	45,1	73,8	83,5	83,3	+3,9 б.
Қозғистон	1 899,0	2 062,0	3 367,0	3 022,4	3 018,5	2 803	+1,6 б.
Қирғизистон	167,5	255,0	403,0	818,4	903,2	682	+5,4 б.
Туркия	1 175,8	1 544,2	2 171,8	2 544,0	2 101,7	2 432	+1,8 б.
Венгрия	40,7	54,1	48,3	71,1	108,8	75,6	+2,7 б.
Туркменистон	212,9	177,3	302,7	540,6	527,1	491,3	+2,5 б.
Жами	3 517,4	4 125,1	5 993,3	4 149,6	7 744,1	6 567,2	+1,9 б.

11 НОЯБРЬ —
КАСАБА УЮШМАЛАРИ КУНИМЕҲНАТКАШЛАРНИНГ
ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ МУҲОФАЗАСИ
ВА МЕҲНАТ ҲУҚУҚЛАРИ ҲИМОЯСИ ЙЎЛИДА

Бошланиши 1-бетда

Шу асосда “Ўзбекистон касабаси уюшмалари кунини белгилаш тўғрисида”ги қонун қабул қилинди. Бу 5,5 миллиондан ортиқ аъзога эга бўлган касабаси уюшмалари ҳаётида унутилмас воқеа сифатида тарихга муҳрланди. Шунингдек, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Ўзбекистон касабаси уюшмалари академияси ташкил этилди.

Биз бугун Ўзбекистон касабаси уюшмалари кунини кенг нишон-ламоқдамиз. Ана шундай шукҳули кунларда алоҳида таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда янги Ўзбекистоннинг янги касабаси уюшмалари эркин ва кенг қўламли фаолият юритиши учун барча зарур шарт-шароит яратилган.

Биринчидан, касабаси уюшмалари ва иш берувчилар ўртасидаги ижтимоий шериклик янги босқичга кўтарилди.

Иккинчидан, касабаси уюшмаларининг ижтимоий шериклигини ривожлантириш, ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилиш, меҳнат қонунчилигини тақомиллаштириш ва Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ) конвенцияларини ратификация қилишда ҳамкорлик йўналишларидаги фаолияти сезиларли даражада ошди.

Учинчидан, ўтган даврда Касаба уюшмалари федерациясининг фаол иштирокида ХМТнинг 5 та конвенцияси ва битта протоколи ратификация қилинди.

Тўртинчидан, ижтимоий меҳнат муносабатларида оид қабул қилинган қонунларда, давлат органлари томонидан федерацияга қилиниш учун тақдим этилган 1300 дан ортиқ меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатда, жумладан, янги Меҳнат кодексига касабаси уюшмалари тақлифларининг аксарияти ўз аксини топди.

Ўзбекистон Президенти томонидан **2019 йилнинг 6 декабрида “Касаба уюшмалари тўғрисида”ги янги қонуннинг имзоланиши** соҳа фаолияти ривожига яна бир муҳим тарихий воқеа бўлди. Бу билан янги



Ўзбекистон касабаси уюшмаларининг мустаҳкам ҳуқуқий асоси яратилди. Авваламбор, касабаси уюшмалари ваколатлари кенгайтирилди, улар фаолиятининг қонунийлик, ихтиёрийлик, камситишга йўл қўймайлик, мустақиллик ва ўзини ўзи бошқариш, ошқоралик ва очиклик каби асосий тамойиллари илк мартабага очиб берилди, касабаси уюшмалари инспекцияси тикланди.

Янги қонунда ХМТнинг бирлашиш эркинлиги ва касабаси уюшмаларида бирлашиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисидаги 87- ҳафта қонундаги меҳнат-кашлар вакиллари ва уларга яратиладиган имкониятлар тўғрисидаги 135-конвенцияларидаги бир қатор нормалар ўз аксини топди.

Бахтиёр МАҲМАДАЛИЕВ,
Ўзбекистон Касаба уюшмалари
федерацияси раиси ўринбосари

Қонуннинг муҳим янгиликларидан яна бири, касабаси уюшмаларини тузиш ва рўйхатдан ўтказишнинг соддалаштирилганидир. Шу ўринда аниқ рақамларга мурожаат этайлик. Ўтган даврда касабаси уюшма ташкилотлари томонидан юридик ва жисмоний шахсларнинг 38 мингдан ортиқ мурожаати кўриб чиқилди. Ходимлар ҳуқуқ ва манфаатларининг поймол этилиши борасида аниқланган фактлар бўйича иш

ҳукумат номидан тўғридан-тўғри Бош вазир томонидан имзоланди.

Ўтган даврда касабаси уюшмалари иштирокида тузилган тармоқ келишувлари сони 95 тадан 110 тага ортди. Қарийб 110 мингта жамоа шартномаси амал қилаётгани ҳолда, улар орқали 4 миллион 372 мингдан ортиқ меҳнаткаш қамраб олинди. Жамоа шартномаси тадбирларини бажариш учун республика бўйича ўрта ҳи-

хотин-қизлардан келиб тушган 100 мингта яқин мурожаат самарали ҳал этилди.

Сўнгги йилларда касабаси уюшмалари тизимида халқаро ҳамкорлик алоқалари мустаҳкамланиб бормоқда. Хусусан, Ўзбекистон касабаси уюшмалари федерацияси Касаба уюшмалари умумқонфедерациясига аъзоликка қабул қилинди. Халқаро касабаси уюшмалари конфедерациясига ассоциациялашган аъзо сифатида кирди, Марказий Осиё давлатларининг турдош ташкилотлари билан келишувлар тузилди. Халқаро меҳнат ташкилоти билан ҳамкорлик янги босқичга кўтарилди.



берувчиларга 3 мингдан ортиқ тақдимнома, судларга 800 га яқин даъвоаризаси киритилди. Натижада 14 мингта яқин ходимнинг меҳнат ҳуқуқлари тикланиб, улар фойдасига 13,6 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ундириб берилди.

Шунингдек, ходимлар меҳнатини муҳофазаси қилиш мақсадида 16 мингта яқин корхона ва ташкилот фаолияти ўрганилиб, аниқланган 61 мингдан ортиқ камчилик бартараф этилиши таъминланди.

Президентимиз ташаббуси билан ижтимоий меҳнат муносабатлари соҳасида амалга оширилган кенг қўламли ислохотлар натижасида болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга барҳам берилди.

Ўзбекистон 2021 йилда GSP+ тизимининг бенифициари мақо-

сабда 1 нафар ходимга йил давомида сарфланган маблағ миқдори 1,5 миллион сўмдан 5 миллион 62 минг сўмгача ошди.

Касаба уюшмалари федерацияси фаол иштирокида илк марта меҳнатга ҳақ тўлашнинг туман коэфффициентлари, алоҳида технологик турдаги ишлар, ишлаб чиқариш ва иқтисодий фаолият турлари бўйича ишчилар тариф ставкаларининг янгиланган оширувчи тармоқ коэфффициентлари, оғир ва ноқулай иқлим ҳамда яшаш шароитларида ишлайдиган ходимларга йиллик қўшимча таътилнинг давомийлиги, ишнинг кўча хусусияти учун устамалар тасдиқланди. Хизмат сафарига юборилган ходимлар учун қафолатлар кучайтирилиб, автотранспорт ҳайдовчилари меҳнатига ҳақ тўлаш шартлари яхшиланди. Нодавлат ташкилотларнинг 900 мингта яқин ходими касабаси уюшма аъзолигига жалб этилиб, уларнинг ижтимоий ҳимояси таъминланмоқда.

Касаба уюшмалари томонидан турли соҳа ходимлари ва аҳолининг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш борасида ҳам салмоқли ишлар қилинмоқда. Кам таъминланган оилалар, пенсия ёшидаги ходимлар, ногиронлиги бор шахслар, ишловчи аёллар ва ёшларга жамоа шартномалари орқали ижтимоий ёрдам кўрсатиш ишлари янги босқичга кўтарилди. Биргина 2021 йилнинг 9 ойи давомида жамоа шартномалари орқали 173 мингдан ортиқ фуқарога ва қарийб 49 минг оиллага 117 миллиард 439 миллион сўмлик ижтимоий кўмак кўрсатилди.

Коронавирус пандемияси даврида Касаба уюшмалари федерацияси барча ватандошларимизга **“Бизнинг кучимиз бирликти, биз ғалаба қозонамиз!”** қақирғи билан мурожаат қилиб чиқди. Касаба уюшмалари томонидан карантин чекловлари шароитида турли касбдаги 4,5 миллиондан ортиқ кишининг меҳнат хавфсизлиги ва меҳнат ҳуқуқлари ҳимояланиб, кам таъминланган 50 мингта яқин оиллага амалий ёрдам кўрсатилди.

“Аёллар дафтери” тизими орқали ўтган давр мобайнида касабаси уюшмалари томонидан мутасадди вазирлик ва идоралар, ҳокимликлар ҳамкорлигида 6,5 миллиондан ортиқ хотин-қиз билан мулоқотлар ўтказилиб, улардан 900 мингта яқинининг муаммолари ижобий ечим топди. Аёлларни қўллаб-қувватлаш ва муаммоларини ҳал этиш мақсадларига давлат томонидан 1 триллион 951 миллиард сўм маблағ йўналтирилди. Касаба уюшмалари федерацияси ҳузурида ташкил этилган 1211 “ишонч телефони”га

Касаба уюшма ходимлари ва фаоллар малакасини ошириш мақсадида федерациянинг Малака ошириш институтида 7 мингдан ортиқ киши ўқитилди. Замонавий ахборот технологиялари жорий этилиб, марказий ва 15 та худудий студияни ўз ичига олган видеокофференцалоқа ҳамда массовий ўқитиш тизими йўлга қўйилди. Ўшбу тизим орқали ҳар йили 1600 нафаргача ходимнинг малака ошириши таъминланмоқда.

Ўтган даврда Касаба уюшмалари федерацияси тизимида 14 та соғломлаштириш маскани қурилди, 5 таси реконструкция қилинди. Натижада бир йилда қўшимча равишда 34 минг юртдошимизни тизимдаги санаторийларда дам олдириш ва соғломлаштириш имконияти яратилди. Шунингдек, 593 мингта яқин ходим ва уларнинг оила аъзолари, 8700 дан ортиқ уруш ва меҳнат фронти фахрийси санаторийларда соғломлаштирилди. 1,5 миллиондан ортиқ боланинг оромгоҳларда дам олиши ташкил этилди.

Бундан ташқари, 788 мингдан зиёд ходим ва уларнинг оила аъзолари, 14 мингта яқин кекса авлод вакили ва эҳтиёжманд оилаларнинг 15 мингдан ортиқ аъзосининг юртимиздаги тарихий шаҳарлар ва диққатга сазовор масканларга саёҳати ташкил этилди.

Ўзбекистон касабаси уюшмалари юртимизда Президентимиз юридаётган одилона сиёсатини бундан кейин ҳам тўла қўллаб-қувватлаган ҳолда, меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари билан мулоқотлар ўтказилиб, мамлакатимиздаги барча касабаси уюшма аъзолари ва фаолларини, соҳа ходимларини Касаба уюшмалари кунин билан самимий муборакбод этамиз. Янги Ўзбекистоннинг ҳар бир соҳада янги марраларни эгаллашига муносиб ҳисса қўшиш йўлидаги саъй-ҳаракатларида улкан муваффақиятлар тилаймиз.

ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЁТДА ВА НАЗОРАТДА

ТАРИХИЙ ЛОЙИҲА ҲАҚИҚАТГА АЙЛАНМОҚДА

Бу билан жиззахликларнинг 30 йиллик орзулари амалга ошади

Ёшлигимизда қўрган бир илмий-оммабоп фильмда сайёрамизни Ер деб эмас, балки Уммон деб аташ ўринли бўлиши, чунки қурраи заминнинг 70 фоизи айнан сув билан қоплаб олингани ҳақида сўз борар эди. Ҳа, шундай, Ер юзасида қуруқликдан кўра, сувли ҳудудлар анча кенг ва катта. Таассуфки, ана шу ўзига хосликнинг иккинчи томони ҳам бор. Шунча кўп миқдордаги сувнинг атиги 2,5 фоизи инсон истеъмоли қилиши учун яроқли ва бу кўрсаткич ҳам вақт ўтган сайин камайиб бормоқда. Ана шу биргина рақамнинг ўзиёқ, тоза ичимлик суви масаласи бутун дунёда ўта муҳим муаммо эканини аңглатади.

Ўзбекистон ҳам сув тақчил мамлакатлардан бири. Чунки юртимиз ҳудудидан оқиб ўтадиган асосий дарёлар қўшни давлатлар тоғларидан бошланади. Шу боис, тоза сув муаммоси бизни четлаб ўтмаган. Мамлакатимиз мустақилликка эришган, ҳудудларни тоза ичимлик суви билан таъминлаш масаласи долзарб экани яна бир бор кун тартибига қўйилди. Сўнгги йилларда бу муаммони ҳал этишга жиддий киришилди.

Президентимизнинг 2018 йил 4 майдаги “Жиззах вилояти аҳолисини сифатли ичимлик суви билан таъминлашни яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида” қарори гапимиз исботидир.

Ушбу қарорга мувофиқ амалга оширилиши зарур бўлган лойиҳанинг қиймати салкам 600 миллиард сўмини ташкил этади. Лойиҳа доирасида Зарафшон дарёсидан сув олиш, Узунбўлоқ ва Сайхон сув тозалаш иншоотлари, “Жиззах” сувни тақсимлаш тугуни, 183 километр узунликдаги магистрал тармоқлар қурилиши кўзда тутилган. Шуниси қувонарлики, мазкур қарор асосида олиб борилаётган ишлар бугун жадал давом этмоқда.

Шавкат Мирзиёев Президент сайлови арафасида жиззахлик сайловчилар билан бўлган учрашувда ичимлик сув муаммоси мамлакатимиз, жумладан, Жиззах вилояти учун ҳам долзарб эканини эсга олди. Келгуси беш йилда ҳудудни иқтимоий-иқтисодий ривожлантириш йўлида кенг қўламли ишлар амалга оширилиши кўзда тутилаётганини таъкидлаб, бу борада режалаштирилган ишлар рўйхатида ҳозирнинг ичимлик сув тизимини яхшилаш лойиҳаси ҳам борилигини қайд этди.

— Зарафшон дарёсидан сув олиш бўйича тарихий лойиҳа аяқланиб, Бахмал, Ғаллаорол, Шароф Рашидов, Дўстлик, Пахтакор, Мирзачўл туманлари ва Жиззах шаҳридаги

163 та маҳалланинг 700 минг нафар аҳолисининг марказлашган ичимлик суви таъминоти яхшиланади, — деди учрашувда Президент. — Жиззах вилоятида ичимлик сув бўйича вазият оғир эди. Бу сувни жиззахликлар 30 йилдан ортиқ кутди. Мен ҳоким бўлган пайтларда қанча ҳаракат қилганмиз. Лекин лойиҳа ҳам, пул ҳам йўқ эди. Мана, орзуларимиз ушалапти. Лойиҳа 2022 йилнинг биринчи ярмида тўлиқ аяқланиб етказилади.

Ҳўш, давлатимиз раҳбари “тарихий” деб атаган ушбу муҳим қарор ва лойиҳанинг мазмун-моҳияти нимадан иборат? Унинг амалга ошиши тафсилотлари қандай? Биз “Ўзсувтаъминоти” АЖ мутасаддилари ёрдамида ана шу саволларга жавоб олишга ҳаракат қилдик.

Дастлабки манзилимиз Бахмал туманининг Узунбўлоқ қишлоғи яқинида барпо этилган замонавий “Сув тозалаш иншооти” бўлди. Бу ерда, аввало, умумий майдони 60 гектарни эгаллаган иншоот ҳудудида якунига етказилган ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари эътиборимизни жалб қилди. Ўзимизни юртимизнинг чекка ва овлоқ ҳудудида эмас, балки замонавий шаҳарлардан бирида, гулга бурканган хиёбонга кириб қолгандек ҳис қилдик.

Равон йўлақлар, ям-яшил майдончалар, майсаларни сугарётган кичик фавворалар кўзни қувнатади. Мухташам хизмат ва дам олиш бинолари, кунига 100 минг куб метр сув қабул қилиш қувватига эга махсус мураккаб тизим, 6 минг тонна обихаётга мўлжалланган улкан очиқ ва ёпиқ ҳавзалар Туркистон тоғ тизмаси бېкинидаги бийдек далада қисқа муддат — атиги икки йилда қуриб битказилганига ишониб қийин.

Иншоот бўйлаб саёҳатимиз тахлилхонадан бошланди. Зеро, бизни,



албатта, қурилмада тозаланадиган сувнинг сифати, таркиби, афзалликлари ҳақидаги маълумотлар қизиқтирарди.

— Ушбу лойиҳани нафақат аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, балки ўзига хос соғломлаштириш дастури ҳам дейиш мумкин, — дейди бизга ҳамроҳ бўлган вилоят санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бошқармасининг санитария врач Шукрулло Абдурахимов. — Эътибор беринг, бугунгача воҳа аҳли марказлашган ҳолда истеъмоли қилиб келаётган сувдаги туз миқдори 10-11 эквивалентни ташкил қилар эди. Бу “қаттиқ” сув дегани ва унинг инсон саломатлиги учун салбий таъсири юқори. Умуман олганда, кўпгина касалликлар айнан сифатсиз сув ичиш оқибатида келиб чиқиши сир эмас. Зарафшон дарёсидан олинаётган сув эса, биринчидан, ўзининг табиий софлиги, бунинг устига замонавий техника ва технологиялар ёрдамида тиндирилиши, қумшағал ва бошқа қўшилмалардан тозаланиши натижасида “юмшоқ” сувга айланади. Бундай сувнинг таркибиди

туз ва минераллар 3 фоиздан кўп бўлмайти. Таққослаш учун айтиш мумкинки, бу сув бугун идишларга қадоқланиб дўконларда сотилаётган сувдан ҳам тиниқ ва тоза бўлади.

Ваҳоланки, Президент қарориди айтилганидек, шу пайтгача Жиззах вилояти аҳоли пунктларининг яримдан кўпи марказлашган сув таъминоти билан таъминланмаган, аксарияти ўтган асрнинг 70-80-йилларида қурилган ва ўта эскириб кетгани оқибатида сув олиш иншоотларининг қуввати жуда пасайган эди. Зарарсизлантирувчи ускуналарнинг йўқлиги эса ичимлик сувининг кимёвий ва бактериологик кўрсаткичлар бўйича юқори даражада ифлосланишига, ҳудуддаги эпидемиологик вазиятнинг ёмонлашувиغا сабаб бўлаётганда. Бу айниқса, давлатимиз раҳбари томонидан юқорида келтириб ўтилган ҳудудларда яққол кузга ташланарди.

— Бугунги кунга келиб, кўзда тутилган ишларнинг 70 фоизи аяқланиб етди, — дейди “Жиззах сув таъминоти” МЧЖ бош муҳандиси Дилшод Зиёев. — Самарқанд вилоятининг Булунғур тумани

ҳудудида, Зарафшон дарёси бўйида сувни 100 метр баландликка кўтариб берувчи қудратли насос станцияси, сувни дастлабки тозалаш иншоотида етказувчи 16 километр узунликдаги ёпиқ қувур-трасса, иккита йирик тозалаш иншооти, лаборатория, филтрлаш станцияси қуриб битказилди. 6 минг куб метр сифимли бир жуфт ҳавза, ёрдамчи бинолар, “Узунбўлоқ — Гагарин” магистрал тармоғининг вилоят марказига бўлган 93 километрлик қисми, “Жиззах” сув тақсимлаш тугуни ҳам фойдаланишга шай қилиб қўйилган. Айни кунларда лойиҳанинг Мирзачўл тумани маркази Гагарин шаҳригача бўлган 90 километр масофасидаги қуриш ишлари жадал суръатлар билан олиб боришмоқда.

— Пахтакор туманида ўсиб-ўлғайганман, — дейди Ўзбекистон Қҳармони Анорбой Эшматов. — Кейинги пайтларда нафақат бизнинг ҳудуд, балки бутун чўл зонасидаги туманлар аҳолиси ичимлик суви танқислигидан қийналиб келарди. Канал ва лотоклардан экинни сугориш учун келаётган сувни тиндириб ичган дамларимиз ҳам бўлган. Шунинг учун ҳам, барчамиз Президент қарори ва ташаббуси билан амалга ошаётган лойиҳанинг тезроқ ишга тушишини, хонадонларга зилол сув кириб келишини кутяпмиз.

— Шаҳримиз юртимиздаги энг гўзал гўшалардан бирига айланди, — дейди Гагарин шаҳрида яшовчи Гўлнисо Бокеева. — Лекин тоза ичимлик суви масаласидаги муаммо бизни қийнаб келарди. Президентимиз қарори туфайли тоза сув келишини эшитиб, жуда хурсанд бўлдик.

Октябрь ойида Жиззах шаҳрининг 7 та маҳалласи аҳоли янги сув тармоғи орқали етиб келган экологик тоза обихаётни биринчилардан бўлиб татиб қуриш бахтига муяссар бўлди. “Энди бу тизимнинг ҳар бир иншоотида, ҳар бир тумандан ўтган қисмига малакали мутахассисларни бириктириб, сифатли ишлатиш керак”, деди Жиззах аҳоли билан учрашувда давлатимиз раҳбари.

— Президентимиз бу гапларни бежиз айтмади. Чунки бугунги кунда мамлакатимизнинг яна 3 та ҳудуди — Бухоро, Тошкент ва Қашқадарё вилоятларида аҳолини ҳудди шу каби сифатли ичимлик сув билан таъминлашга мўлжалланган янги иншоотлар барпо

бўлмоқда, — дейди “Ўзсувтаъминот” АЖ матбуот котиби Акмал Муродов. — Келажақда бошқа манзилларда ҳам шундай қурилмалар қад ростлайди. Эътибор қилинг, 180 километр узунликдаги сув тармоғи бир жойдан, айнан мана шу нуқтадан туриб бошқарилади. Демак, энг замонавий, ҳозирги тил билан айтганда, “ақлли” технологияларни бафуржа ишлата оладиган, бу борада керакли тажриба ва кўникмага эга бўлган ёшларни тарбиялаш, ўқитиш керак бўлади.

— Икки ойдан буён шу ердаман, объектга ўрнатилган асбоб-ускуна ва жиҳозларнинг талаб даражасида ишлашини синовдан ўтказяпмиз, — дея суҳбатга қўшилиди россиялик мутахассис Элдор Гараев. — Иншоот жамоасининг 90 фоизини ёшлар ташкил қилар экан. Уларнинг билимга чанқоқлиги, Туркия, Германия, Россиядан келтирилган технологиялар “сир”ини тезда ўзлаштириб олаётганига гувоҳман. Бу ёшлар ўзларига билдирилаётган ишончини тўлиқ оқлашига шубҳам йўқ.

Президентимиз бундан уч йил аввал, “Обод қишлоқ” дастурига тамал тоши қўйилган Манас қишлоғига ташрифи чоғида Зарафшон дарёси сувини Жиззахга келтириш лойиҳаси ҳақида шундай фикрлар билдирган эди: “Ушбу лойиҳани кўплаб хорижий молия интитутлари, жумладан, Хитойнинг “Эксимбанк”и, Осиё тараққиёт банки, Саудия Арабистони банклари, Европа банклари ўрганиб чиқди. Лекин бирортаси пул беришни истамди. Биз ҳулоса қилдик: ушбу лойиҳани амалга оширишга хорижий инвестиция шарт эмас, ўз маблағимиз ва кучимиз билан қураимиз”.

Давлатимиз раҳбарининг ишонч билан айтган бу сўзлари қисқа вақтда ҳаётда ўз ифодасини топмоқда. Зарафшон дарёсидан олинадиган обихаёт билан Жиззах вилояти қишлоқ ва маҳаллаларини тоза ичимлик суви билан таъминлаш лойиҳаси доирасида амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар бунга мисол. Биз ана шу кенг қамровли ишларга ўз кўзимиз билан гувоҳ бўлиб, Ўзбекистон деган дёрда ҳар бир зўғир ният, албатта, амалга ошишига яна бир қарра амин бўлдик.

**Худойберди КАРИМОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири**

ЁШЛАР — КЕЛАЖАГИМИЗ

ИЛМ ИККИ ДУНЁ САОДАТИ КАЛИТИДИР

Сайёрамизнинг эртанги куни, фаровонлиги фарзандларимиз қандай инсон бўлиб камолга етиши билан боғлиқ. Бизнинг асосий вазифамиз — ёшларнинг ўз салоҳиятини намоеён қилиши учун зарур шароитлар яратишдан иборат.

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти**

Ҳар бир давлатнинг истиқболини шу юртда яшаётган ёш авлодининг билими, маънавий қиёфаси, юксак онг ва тафаккурига қараб белгилаш мумкин. Зеро, жамият пойдевори билими ёшлар дунёқараши, изланишлари, қўлга киритган улкан муваффақиятлари билан янада мустаҳкам, эртанги куни эса янада ёруғ ва саодатли бўлади.

Қишлоқ ҳўжалиги фанлари доктори, проффесор, Россия Табиий фанлар академияси академиги Сардоржон Авазов мамлакатимиз келажаги учун хизмат қиладиган шундай иқтидорли ёшлардан бири. У ўттиз ёшга тўлмай, 150 га яқин илмий мақола, 6 та дарслик, 8 та монография, 10 дан зиёд ўқув-услубий қўлланма ёзиб улгурди.

— Сўнгги беш йилда юртимизда фан, таълим соҳасида жуда улкан ишлотлар амалга оширилди, десам асло муболага бўлмайди. Бунинг биринчиси фаолиятимиз мисолида ҳам қўриш мумкин. 25 ёшдаги қишлоқ ҳўжалиги фанлари доктори илмий даражасини олган бўлсам, 27 ёшдаги профессор илмий унвонини соҳиб бўлдим. Бугунги кунгача 100 дан зиёд шоғирд тайёрладим, улардан 3 нафари фан доктори экани мен учун жуда катта фахрdir, — дейди Тошкент давлат аграр университетининг ўсимликларни ҳимоя қилиш кафедраси мудири Сардоржон Авазов. — Жорий йилнинг июнь ойида “Мард ўғлон” давлат мукофотида сазовор бўлдим. Президентимиз қўлдан

юксак мукофотни олган куним ҳаётимнинг энг ёрқин ва унутилмас саҳифаларидан бири бўлиб қолди. Давлатимиз раҳбарининг “Уғлим Сардоржон, сенга ишонаман”, деган оталарча самимий сўзлари ҳалигача қўлоғим остида жарағилмайди. Дилимга ҳаловат бағишловчи ўша ёруғ кунни эсласам, қалбим қувонч ва фахр туйғуларига тўлади. Мукофот олганимдан сўнг ўзимни қайта кашф этганимдан бўлдим. Мамлакатимизда ёшлар учун яратилган имкониятларга муносиб бўлиш учун янада кўпроқ ишлашим, изланишим, илмга ва салоҳиятга ёшлар сафини кенгайтиришга ҳисса қўишим лозимлигини аңглаб етдим. Бу ишонч ва рағбат менга бор билим ва салоҳиятимни юрт равнақи йўлида ишлатиб, янги Ўзбекистонни янаям юқори чўққиларга кўтаришга ундайди!

Илм йўли — энг шарафли йўл. Бу ёш олимнинг ҳаётдаги шиори. Ҳўш, ёш олимнинг шундай улкан муваффақиятларга эришишида аслида ким ва нима сабаб бўлган?

Сардоржон 1992 йили Тошкент вилоятининг Қўрай туманида зиёли оилада дунёга келди. Оиладаги илмий муҳит уни болалигиданок ўқишга ва ўз устида изланишга ундади.

— Олимлик даражасига етишимга сабаб бўлган илк устозларим отам ва онам ҳамда нафақат менга, балки қўллаб ёшларга бутун ҳаётлари давомида илму маърифат зиёсини таратиб,

таълим-тарбия бериб келаётган устозларимиз эди. Дилимга ҳаловат бағишловчи ўша ёруғ кунни эсласам, қалбим қувонч ва фахр туйғуларига тўлади. Мукофот олганимдан сўнг ўзимни қайта кашф этганимдан бўлдим. Мамлакатимизда ёшлар учун яратилган имкониятларга муносиб бўлиш учун янада кўпроқ ишлашим, изланишим, илмга ва салоҳиятга ёшлар сафини кенгайтиришга ҳисса қўишим лозимлигини аңглаб етдим. Бу ишонч ва рағбат менга бор билим ва салоҳиятимни юрт равнақи йўлида ишлатиб, янги Ўзбекистонни янаям юқори чўққиларга кўтаришга ундайди!



QR-кодни сканер қилиш орқали видеога ўтинг!

патология ва биотехнология соҳаларини татибқ этиш мавзусида бўлиб ўтган халқаро ўқув курсида ўз малакасини ошириб, сертификат олди. 2017 йилда Россия Табиий фанлар академияси академиги илмий унвонига сазовор бўлган. Ёш олим мамлакатимизда ва Ҳамдўстлик давлатларида ташкил этиладиган қўллаб халқаро семинар-тренингларда фаол иштирок этиб келади, рус, инглиз, немис тилларини мукамал билади.

Ҳар бир ўқув йилида талабаларнинг битирув малакавий иши, магистрантлар, фалсафа доктори диссертацияларига раҳбарлик қилади. Унинг илмий раҳбарлигида 27 нафар бакалавр, 9 нафар магистр ва 3 нафар фалсафа доктори диссертацияларини муваффақиятли ҳимоя қилган. Бугунги кунда эса 5 нафар бакалавр, 2 нафар магистр ва 3 нафар докторантга илмий раҳбарлик қилиб келмоқда. 2019 йилдан Тошкент давлат аграр университети ҳузуридаги

илмий даражалар берувчи илмий кенгаш аъзоси.

2017 йилда қишлоқ ҳўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), орадан бир йил ўтиб, қишлоқ ҳўжалиги фанлари доктори (DSc) илмий даражасини олишга муваффақ бўлди. Сардоржон Авазов Ўзбекистон қишлоқ ҳўжалигида ёш олимлар ичида биринчилардан бўлиб юртимизнинг ҳар хил тупроқ-иқлим шароитида пиёзнинг асосий замбуруғли касалликларини тўлиқ мониторинг қилган.

Изланувчан олим 2019 йилда Тошкент давлат аграр университетининг “Энг яхши ходим” ва “Энг яхши ўқитувчи” номинациялари бўйича ғолиб, 2020 йилда эса таъкидов бўйича 1–ДАН қора белбоғ соҳиб бўлди. Айни пайтда Тошкент давлат аграр университетидида кафедра мудири лавозимида фаолият юритиш билан бирга, Тошкент давлат юридик университетидида таҳсил олмоқда.

Сардоржон Авазов билан суҳбатлашар эканмиз, унинг 6 ёшли ўғлигаси Муҳаммаданиннинг рус ва инглиз тилларида онаси билан бемалол сўзлашганини қўриб, “от изини той босар” мақоли ёдимизга тушди. Муҳаммадани онаси Гузалхон Абдурашидова ёрдамида 4 ёшдан бошлаб ушбу тилларни мукамал ўрганди. Гузалхон ҳарбий соҳада фаолият юритиш билан бирга, айни пайтда илмий изланишларини Тошкент молия институтидида давом эттирляпти. Бахтинини илм туфайли топиб, умр саҳифаларини маърифат нури билан тўлдириб бораётган бу изланувчан ёш оила ҳаётнинг бор гўзаллигини илм орқали тасаввур қилади. Энг асосий, улар илм йўлини ҳаётларининг ажралмас қисмига айлантириб олган. Зеро, илм икки дунё саодатининг калитидир.

**Гўличеҳра ДУРДИЕВА,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири**

БИР ЎЛКАКИ...

ҒИЛОНДА БИР КУН

ЁХУД ҚУЁШНИ УЙЎТАЁТГАН ОДАМЛАР

Қашқадарёдаги машҳур Ғилон қишлоғини ҳаммамиз яхши биламиз. Маълумотларга қараганда, мана шу қишлоқда кейинги беш йилда биронта ҳам оилавий ажралиш қайд этилмаган. Биз бунини қишлоқ аҳлининг ўзаро ҳамжиҳатлиги, маҳалла фаоллари, айниқса, нуронийларимизнинг жонқуярлиги натижаси, деб биламиз. Бундай ижобий тажрибани бутун эл-юртимизга ибрат қилиб кўрсатсак албатта арзийди.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Тонг. Қўлда санокли юлдузлар сараланиб, тун пардаси аста-секин кўтарилмоқда. Қўҳна Кешнинг олис, юртимизнинг энг баланд чўқиларига туташ Ғилон қишлоғи. Қишлоқда кеч куз ҳавоси одатдагидек салқин. Хўв наридаги булутга ёндош тоғлар аллақачон қишлоқнинг кекса мўйсифиди каби бошига оппоқ салла ўраган. Бу йилги куз фаслида Ғилонга уч марта қор тушибди. Ёмғирни эса айтмаса ҳам бўлади. Қора булут ҳар кунни жиққа ҳўл кўрасин бир силкиб ўтиб кетмаса, чиройи очилмайди. Бу эса ғилонликларни янада сергаклантиради. Демак, қиш эшик қўқмоқда. Дала ишларини тезлаштириш зарур...

Адабиёт муаллими Рўзбой ака китобларини кўлтқлаганча ўқувчисининг уйи томон шошади. Бугун шогирди туман фан олимпиадасида иштирок этиши керак. Сахардан йўлга чиқмаса, кечикиши мумкин, марказга етиб бориш учун нақ 80 километр йўл босиш керак...

... Темирчи Холикул ота кеча тунда чала қолган ишини якунлаш учун устакхона томон ошиқади. Дўконига яқинлашаркан, эшикни очиб ҳолда қолдиргани парвойига ҳам келмайди. Боиси, бу қишлоққа ўғиллик бегона. Шунинг учун дарвозалар доим очиб, қулф осилмайди.

Холикул ота темирчи қиздириш учун печга ўтин ташларкан, қишлоқда қачон ўғиллик содир бўлганини эсололмайди. 73 ёшга кирибдики, бу ҳолатга дуч келмабди. Бу пайтда Раҳимкул ота икки тендоши билан даранинг нариги тарафидаги уй томон кетиб бораётган эди.

Қишлоқда азалий одат — агар икки ёш турмуш қурмоқчи бўлиб, бир-бирига кўнгил қўйса, албатта, энг аввал оқсоқоллардан икки-уч киши улар билан ота-онаси, қариндош-уруғларисиз, ҳолис



суҳбат қилиши керак. Иккала ёш ҳам рози бўлсагина, тўйга руҳсат берилади. Бугун оқсоқоллар шу ширин ташвишда йўл олган. Шукри, бешинчи бор қоқи пишгани ўтдики, оилавий ажралиш, деган нарсаси йўқ. Бўлмасин ҳам!

Олтимис учинчи ҳазонрезги кузни ўтказётган Нарзулла бобо эса ўғлини эргаштирганча, ер ҳайдасанг куз ҳайда, куз ҳайдамасанг юз ҳайда, нақлига амал қилиб, даласи томон одимлайди. Қўлидаги кетмон тешадеккина келади. Аммо бир қарич узун, эни эса теша каби. Даланинг асосий қисми тошдан иборат. Катта кетмон ярамайди. Бу ерда фақат темирчи Холикул отанинг қор суви бериб ишланган кетмонидан бошқаси бекор.

Бу йилги ҳосилни чамалаб бораркан, Нарзулла бобо оғбордаги картошка 4 тоннача чиқишини тахмин қилади. Олма-нинг ҳам чўғи яхши. Нақ 5 тоннадан орттиғов. Бу йилги ҳосилдан набирасини бемалоп уйлантирса бўлади. Баҳорда эса ўртанчасининг уйини ҳам тикка қилади...

Қўл узатсанг тегадиган булутлардан-да бўйчан чўққи ортида ором олаётган қуёш безовталана бошлайди. Секин тоғ ортидан мўралайди. Қуёшни уйғотган шовқин Нарзулла отанинг кетмонию Холикул темирчининг болғаси зарби, икки ёш дардида юрган оқсоқоллар гурунги бўлади.

Яси тош устида ярим соатки, худди шу вазиятни пойлаб турган қишлоқ расмони Мухаммадий Чоршанбиев мўйқаламини шоганча ранга ботириб, тоғ ортидан

мўралаётган қуёш тасвирини қоғозга муҳрлашга ошиқади.

Истамой момо чоли яхши кўрадиган иссиққина ширчоига сариёғ солиб, дастурхонга қўйarkan, ичкарига кириб келган Сафар бобо кампирга бир жуфт қирмизи олмани узатади. Демак, чоли боғ оралаган. Дарахт тепасида теримдан қолган олмалар бўлади доим. Кечаси совуқ таъсирида ерга тушган бу қирмизи олмаларни чоли ҳар сафар териб келади. Бу сафар каттароқ олмаларни қаердан олди экан? Кампир халёга ботганига мийғида да кулиб қўйган Сафар бобо гап қотади: "Бунинг сирини билдингми", дея олмага ишора қилади. Кампир елка қисади.

— Бундан роппа-роса олтимис олти йил олдин... — дея жим қолади Сафар ота.

Бир дам ўтиб, Истамой момонинг юзига қизиллик югуради. Гўёки ёнида чуғурлашиб турган набиралари нима гапчилигини тушуниб тургандек. Рўмолининг учи билан юзини яширади. Ёшлиги ёдига тушади.

У пайтлари бундай омонлик замон қайда. Мактабда еттинчини битириб, қолганини пастдаги қишлоқда давом эттирасизлар, дейишганда, уч дугона розилик билдирмагани учун Андижон тарафларга пахта теримига "сурғун" қилиб юборишганди. Ушанда ҳозиргидек машина йўли йўқ. Фақатгина ёлғизоёқ сўймоқ. Техника туғул от топиш амри маҳол.

...Ушанда куз эди. Қор қалин ёққан. Қора уйга келин бўлиб тушганди. Қўдалар келишиб, бир улоқ сўйиллиб, икки томонга бўлиб берилган. Шу билан тўй ўтганди. Гулхан ёқилиб, илк бор чимилдик ичида эрига қўзи тушган келин жуфти ҳалолидан бир жуфт олма олганди. Мана, 66 йил ўтди. 86 ёшга кириб ҳам қўйибди. Эри 92 да. Шу пайтгача эридан бир марта қаттиқ гап эшитмабди. Турмуш — мушт,

деганларидек, гоҳида чоли жаҳл отига минса-да, Истамой момога сездирмаган. Қизишган вақтлари қўлга кетмон олиб, боғ оралаб кетар, бироз меҳнат қилиб, ҳовури пасайиб қайтиб келарди. Бугун тўққиз фарзанд, эллик набира, қирқдан ортқ эвараси бор. Шукри, улар қишлоқ ёшларининг маслаҳатгўйи. Турмушнинг пасту баландига бардоши етмаган ёшларни тўғри йўлга бошлашдан оғринмайди. Бир оилага керакли йўлни кўрсата олганидан чол-кампир мамнун бўлади.

Ҳар сафар қуёш тикка кўтариларкан, у ҳам 66 йилки умргузаронлик қилаётган чолу кампирларга ҳавас-ла боққан бўлса ажаб эмас. Уларга меҳр нурин сочганча, бир муддат муҳаббат бекатида тўхтаб, улардан уялғу олиб, бошқаларга улашишга шошилади.

Қишлоқда ҳаво салқин бўлса-да, ҳаёт қайнайди. Остонада турган қишга ҳозирлик даркор. Бу вақтда, умуман, ҳар доим қишлоқда бекорчи одамни топиб бўлмайди. Денгиз сатҳидан 2200 метр баландликдаги Ғилонда бугун 5 мингдан ортқ аҳоли истиқомат қилади. Каттагина қишлоқ, ўрнак бўлгулик одатлари талайгина. Биргина яқин ўттиз йилдирки, бирор марта жиноят бўлмаслиғи қишлоқ аҳлининг иноқлиги эвазига оилавий

ажралишлар беш йилдирки, учрамаслиги ҳам ибратли ҳаётнинг намунаси.

Қишлоқ аҳли асосий вақтини меҳнатга сафарбар этади. "Қизил қайроқи" навли картошкаси оламга машҳур. Чашма сувидан етилган олмалари эса дилни яйратиши бор гап.

Қишлоқда ўндан ортқ темирчилик, йигирмага яқин дурадгорлик, ёнч ўймакорлик, наққошлик устакхонаси мавжуд. Шунингдек, қишлоқнинг элга манзур расомлари ҳам кўп. Хўллас, ҳар тонг қуёшни уйғотиб, ҳар тун уни қузатиб, кейин дам олувчи заҳматқаш, танти, меҳмондўст, тоғликларга хос баррикенг оддий қишлоқ одамлари яшайди Ғилонда.

Йўлингиз тушиб, бир келиб-кетсангиз, олган ибратларингиз натижасида вақтингизга аччинмайсиз. Дарвоқе, қиш тафти қучайиб, ҳаммаёқни қор қопласа, одамлар нима билан банд бўларкан, деб уйлаётгандирсиз? Қизиги шунда бошланган. Кинтобхонлик авж олиб, ким шеърхонлик, ким газалхонлик билан банд бўлади. Аёзнинг узун тунда мутоплаага нима етсин!

Акбар РАҲМОНОВ,
журналист

МУВАФФАҚИЯТ ТАРИХИ

АНИМАЦИЯЛИ КИНОДА ҲАЁТ ФАЛСАФАСИ

Октябрь ойининг сўнги санасида Халқаро анимацияли кино кунини нишонланди. Шу муносабат билан миллий мультипликация санъати ривожига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келаётган режиссёр ва аниматор Дмитрий Власов билан мулоқотда бўлдик. Ўзбек анимациясининг бугуни ва эртанги кунини ҳақидаги мулоқазалар суҳбатимиз мазмунини ташкил қилди.

МАЪЛУМОТ УЧУН:
Дмитрий Власов — маҳаллий ва хорижий фестиваллар совриндори, энг яхши анимацияли фильмлар учун халқаро мукофотлар ("Қулп", "Ҳаёт дарёси") соҳиби. 2008 йилда анимация соҳасидаги хизматлари учун "Дўстлик" ордени билан мукофотланган. 20 йиллик иш тажрибасига эга.

— Дмитрий, анимация сари йўл қандай бошланган? Касбингизни ота-онангиз маслаҳати билан танлаганмисиз?

— Йўқ, ота-онам дипломимга кўра, мактабда расм ёки чизмачилик бўйича ўқитувчи бўлишимни афзал кўришарди. Аммо иқтидоримни чамалаган қўшни аёл менга анимацияли фильмлар студиясига боришни маслаҳат берган.

— Анимацияли кино йўналишида биринчи устозларингиз кимлар? Ижодингиз қайси фильмдан бошланган?

— 1992 йили мен ўқини тугатганимда, режиссёр Мавзур Маҳмудов Россия телевидениеси учун "Денгизчи Синбод" мультфильмини суратга олаётган экан. Мени ўзига ёрдамчи қилиб ишга олди. У Бутуниттфок давлат кинематография институтини тамомлаган. Етук режиссёр ва расом сифатида ўз билим ҳамда тажрибаларини менга ўргатди. Устозим нафақат маслаҳат берди, балки амалиёт билан шуғулланишимга ишонч уйғотди. "Синбод"даги икки йиллик фаолиятим давомида мен



ўзим учун жуда кўп янги жиҳатларни кашф қилдим.

1991 йиллар бошигача ўзбек анимацияси ёрқин тарихга эга бўлганини алоҳида таъкидлаш керак. Ўзбекистонда ҳар йили 12 та мультфильм суратга олинган.

Умуман, "Синбод"ни яратиш жараёнида анимацияга биринчи қадамни қўйдим. Сўнг таниқли актёр, режиссёр ва сценарийчи Нозим Тўлаҳужаев хусусий хомилар ҳисобидан "Ислом тарихи" мультфильмини суратга олди. Ушбу лойиҳада иштирок этиш ҳам мен учун қизиқарли кечди.

Шунингдек, режиссёр Светлана Муродхужаева ва продюсер Сергей Алибеков жажон классикаси қаторидан жой олган "Ип" мультфильмини қандай суратга олгани ҳам ёдимда.

Хўллас, "Ўзбекфильм" киностудиясида анимацияга, мультфильм яратишга меҳри тушган бу инсонлар касб танлашимга пойдевор қўйган. Бунинг учун улардан жуда миннатдорман.

— Россияда бир муддат яшагансиз, Москвадаги ижодий давр ҳақида нималар деи оласиз?

— 1994 йилдан 1997 йилгача Москвада ишладим. Анимациядаги инқироз фақат мамлакатимиздагина содир бўлмади. "Союзмультфильм" киностудияси ҳам ёпилган эди. Хусусий студияларда фаолият юритишимга тўғри келди. Масалан, инглизларнинг бюрутмаси билан Уильям Шекспир асарлари асосида "Шекспирада" сериалини суратга олди. Шунингдек, болалар учун китобларга иллюстрациялар ишладим.

Рус анимациясининг етакчилари — "Пилот" студияси раҳбари Александр Татарский, режиссёр-расомлар Михаил Алдашин ва Елена Чернова қабиладан янги қараш ҳамда гоёлар олдим.

1997 йилда қуттилмаганда Тошкентдан кўнғироқ қилиб, давлат миқёсида анимацияни тиклаш ҳаракати бошлангани ҳақида айтишди. Ватан чакирлига жавоб бермаслигим мумкин эмас эди.

— Мультфильмни тасмалли кинокамерада эски усулда суратга олишдан компьютер анимациясига ўтиш қандай кечди?

— 1998 йили компьютер ёрдамида биринчи мультфильминини суратга олмоқчи эдим. Мамлакатимизда компьютер ёрдамида видеоини қайта ишлаш ва монтаж қилиш билан шуғулланидиган "Ирис-фильм" студияси фаолият юритади. Лекин у ердаги мутахассислар анимация асосларини билмас экан. Ходимларни мақсадим сари йўналтиришга ҳаракат қилдим ва улар бир нечта сахнани яратишга ёрдам берди. Давлат кино комиссияси тажрибани кўриб қиди ва тасдиқлади. Ҳал қилувчи қарорни Мавзур Маҳмудов айтди. "Рубоб" фильми 1998 йилда биринчи бор компьютер графикаси ёрдамида суратга олинган. Бунда 3D-анимация унсурлари ҳам синовдан ўтди.

— Санъат Ўзбекистонини дунёга танитиш, халқлар дўстлигини мустаҳкамлашга ҳизмат қилади. Сўнги йилларда қандай ютуқларга эришилди?

Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашир индекси — 236. **Буюртма** — 3635.

76042 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2. Баҳоси келишилган нархда.

"KOLORPAK" МЧЖ босмахонасида chop этилди.
Босмахона манзили: Ўзбекистон, 100060.
Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.
Босмахона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Баҳор Хидирова
Мусаххих: Насиба Абдуллаева
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

ЎЗА якуни — 21:25 Топширилди — 23:45

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДУК

Бош муҳаррир:

Салим ДОНИЁРОВ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Ўзлонлар: (0-371) 233-57-15 E-mail: info@yuz.uz